

Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2026 йил 17 февраль куни, Жиноят ишлари бўйича Кўкдала туман судининг биносига, очиқ суд мажлиси видеоконференциялоқа режими орқали бўлиб, шу суднинг раиси Ў.Расуловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Тажиевнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси Кўкдала туман прокурорининг ёрдамчиси Н.Сизонов, судланувчи О.Садатов ва унинг ҳимоячиси-адвокати С.Махмарасулов ва жабрланувчи Х.Режабоваларни иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126¹-моддаси 4-қисми билан судланувчи Садатов Озод Шавкат ўғлига оид 1-1816-2601/26-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Садатов Озод Шавкат ўғли (Sadatov Ozod Shavkat o'g'li), 1997 йил 5 апрель куни Қашқадарё вилояти, Қамаш туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Кўкдала туманида жойлашган “Еттитом шукронаси” оилавий корхонасида бош ҳисобчи, Қамаш тумани, “Қоратепа” МФЙда яшайди, унга нисбатан “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини процессуал муддатда олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, иш бўйича тўпланган ёзма далилларни текшириб чиқиб, тарафларнинг музокара сўзларини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Садатов Озод Шавкат ўғли, қуйдаги ҳолатда қаддан оилавий (маиший) зўравонлик қилиш жиноятини содир этган.

Жумладан, О.Садатов 2025 йил 3 август куни соат 9:00ларда Кўкдала тумани “Олтиндала” МФЙда жойлашган ўзини яшаш хонадонига бир рўзғор асосида яшаб келаётган турмуш ўртоғи Режабова Хулқар Уроқ кизи билан ўзаро оилавий келишмовчилик натижасида тортишиб қолиб, тортишув жанжалга айланиб унга нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик қилиб, Х.Режабовани уриб тан жароҳати етказган.

РСТЭИАМ Қашқадарё филиалини 11.11.2025 йилдаги №65-Қўш сонли хулосасига кўра, Х.Режабованинг танасида “Юқори жағ суягини олд бурун ўсиғига ўтиб икки томонлама синиши. Бош ўнг кўз қовоқ соҳаси юмшоқ тўқималар лат ейиши, гематомаси. Иккала тирсак бўғими соҳаси шилинган жароҳати, юмшоқ тўқималарини лат ейиши, бўйин соҳаси тирналган жароҳати, юмшоқ тўқималарини лат ейиши” кўринишидаги жароҳатлар аниқлангани, мазкур жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича соғлиқни узоқ вақт, яъни 21 кундан кўп бўлган муддатга ёмонлашувига олиб келган **ўртача оғир** шикаст гуруҳига киритилиши кўрсатилган.

Судланувчи О.Садатов ўзининг ушбу жиноий хатти-ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятни қаддан содир этган.

Судланувчи О.Садатов судда, у 2022 йил апрель ойида фуқаро Режабова Хулқар Уроқ кизига уйланиб, бирга яшаб келишини, ўрталарида 2 нафар фарзандлари борлиги, хизмат тақозоси туфайли у турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан Кўкдала тумани "Олтин дала" МФЙ Сермазмун ҳаёт кўчасидаги кўп қаватли уйда ижарада яшаб келгани, у турмуш ўртоғи Х.Режабова билан доимий равишда жанжал қилмаслиги, 2025 йил май



ойларида жанжал қилганида қайтотаси ва қайнонаси келиб, турмуш ўртоғи Х.Режабовани ўзлари билан бирга олиб кетишгани, орада яқинлари турмуш ўртоғини олиб келиш учун бир неча маротаба уни уйига боришган бўлишса-да, лекин келишдан бош тортиб келгани, шундан сўнг тахминан 15-20 кун ўтиб “Курбон ҳайит” олди турмуш ўртоғи Х.Режабова унга телефон қилиб, олиб кетишини сўрагани учун ўзи уни уйига бориб, олиб келмоқчи бўлгани, уйига боргани, сўнг қайтотаси Боймирзаев Урал чиқиб келиб, у билан салом-алик қилганидан сўнг, турмуш ўртоғини опасини уйига кетганини айтганидан, сўнг қайнонаси келиб қолгани, у автомошинани ҳайдаб кетаман деган вақтида божаси, қайнопасини турмуш ўртоғини автомашинасида турмуш ўртоғи Х.Режабова келиб қолгани, шундан сўнг турмуш ўртоғи у билан кетаман деган вақтида қайнонаси қизига бормаслигини айтиб, ажрашишини айтгани, у фарзандларини ўзига олиб улар билан гаплашиб турган вақтида қайнонаси фарзандларини ундан тортиб олишга ҳаракат қилгани, турмуш ўртоғи Х.Режабова онасига фарзандларига тегинмаслигини айтгани, Х.Режабова у билан кетишини айтса ҳам уни онаси кетишига қаршилик қилиб, уни ургани, у қайнонасига турмуш ўртоғини нима учун урганини сўраганида Х.Режабова фарзандларини олиб уйга кириб кетгани, қайнонаси уни олдига келиб, "Хароми" деб, уни оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилгани, у ҳам қайнонасига қаттиқроқ гапирганидан сўнг сал ўзини босиб олгани, у шундан сўнг автомашинага ўтириб кетаётганида қайнонаси уни олдига келиб, юзига тупириб, қўлини мушт қилиб, юзига уч тўрт маротаба уриб, мошинани эшигига бир маротаба тепгани, автомошинани эшигини қўли билан ушлаб олганидан сўнг у кетишни ҳам қолишни ҳам билмай қолгани, турмуш ўртоғи Х.Режабова уйдан чиқиб келиб, ажратганидан сўнг у автомашинасига ўтириб, уйга қайтиб келгани, мазкур ҳолатлар юзасидан қайнонаси Қамаш тумани ИИБга мурожаат қилгани учун ҳудуд профилактика инспектори шуғулланиб, МЖТКнинг 52-моддаси билан судга олиб чиққани ва ЖИБ Қамаш тумани суди томонидан унга, қайнонасига маъмурий жарима ва қайнонасига огохлантириш бергани, орадан тахминан 1 ойлар ўтиб, 01.07.2025 йилда маҳалла фаоллари уни ва турмуш ўртоғини яраштириб қўйишганидан сўнг, Кўкдала туманидан ижара уй олиб оиласини ўзи билан бирга олиб келиб яшай бошлагани, орада турмуш ўртоғи Х.Режабова онаси билан телефон гаплашиб келиши ортидан унинг унга нисбатан карашлари ўзгара бошлагани, 2025 йил 3 август куни дам олиш куни, яъни якшанба бўлгани сабабли, эрталаб ижарадаги уйда дам олиб ётганида соат тахминан 11:30ларда турмуш ўртоғи Х.Режабова уни асабига тегиб, турли гап сўзларни айтиб, шахсиятига тегиб, отасидан 2022 йилда автомашина сотиб олиш учун олган 10 миллион сўм пулларни қачон қилиб беришини айтиб, холи-жонига қўймагани, шундан сўнг бир ҳамкасби меҳнат таътилига чиқаётгани сабабли, ундан қарз бериб туришини сўрагани, ҳамкасби рози бўлгани, турмуш ўртоғи Х.Режабова эса бунга ҳам кунмасдан унга қаттиқроқ гапира бошлагани сабабли, уйдан ишга чиқиб кетаётганида, Хулкар уни қўлидан ушлагани, шунда уни ҳам жахли чиқиб уни итариб юбориш учун ўнг қўли билан ҳаракат қилгани, лекин қўли уни юз қисмига қаттиқроқ тегиб кетгани ва юзини ўнг томон қош қисми шилиниб ҳам кетгани, ушбу ҳолатни бўлган пайтда уйда у билан Хулкардан бошқа бирор бир киши йўқлиги, шундан сўнг, турмуш ўртоғи Х.Режабова унга “102”га қўнғироқ қилишини айтганидан сўнг у унга қўнғироқ қилиш учун сабаб йўқлигини айтиб, қўлидан телефонни тортиб олган бўлса-да, у сумкасида яна битта телефонни олиб “102”га қўнғироқ қилгани, у унга бу телефонни қаердан олганини сўраганида, у унга жавоб бермагани, у кўчага чиқиб ўтирган вақтида орадан 10 дақиқа ўтганидан сўнг ҳудуд профилактика инспектори Элбек ака етиб келгани, Элбек ака ҳолатни ҳаммадан сўраб турмуш ўртоғи ва кичкина қизини ИИБга олиб



кетгани, у ҳам уларни ортидан ИИБга боргани, Элбек ака бўлган ҳолатларни ҳаммасини ёздириб олгани, бироқ ҳозирда у айбига иқдор ва пушаймонлиги, воқеа куни қизиқ қонлик қилганини, турмуш ўртоғи Х.Режабовадан кечирим сўрашини, у уни кечирса у билан бирга яшаш фикрида эканлигини билдириб, ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи О.Садатовнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этгани унинг кўрсатувидан ташқари:

-жабрланувчи Х.Режабова судда, у 2022 йил апрель ойида Садатов Озод исмли шахс билан оила қургани, ҳозирги кунда у билан ўрталарида 2 нафар фарзандлари борлиги, уларни турмуши давомида нотинчликлар кўп бўлгани, 2023 йилда Садатов Озод уни отасидан “10 000 000 сўм пулни автомашина оламан” деб қарз қилиб олгани, орадан қанча вақт ўтса ҳам ушбу пулни бермагани, 2025 йил 3 август куни соат тахминан 9:00ларда уйда овқат қилиш учун ҳеч нарса йўқлигини кўриб, у Озодга “Бирор нарса олиб келинг болаларга едирайлик” деганини, у уни гапини эшитмасликка олиб жойида ётгани, шундан сўнг бўлмаса “Дадам берган қарз пулни беринг, мен болаларимни ўзим билан онамникига олиб кетиб, ўша ерда болаларни овқатлантириб юравераман” деганини, Озод унга “У пулни сенинг отангдан, мени отам олган, ўзларидан сўрасин, мен олмаганман” деганини, шундан сўнг у қайнотаси Ўнгбоев Шавкатга телефон қилиб, бўлган ҳолатни айтгани, қайнотаси унга пули йўқлиги, ушбу пулларни Озод сарфлаганини, шу сабабли уни ўзи беришини айтгани, шундан сўнг у қайнотасига 1 ойда қилиб бераман деганини эслатгани, шу пайт уни гапларини эшитиб турган Озод телефонда гаплашиб турган жойида, уни бел қисмига мушт билан ургани, шу пайт телефони қўлидан тушиб кетгани, шундан сўнг Озод уни бўғиб юз қисмига мушт билан бир неча маротаба уриб ташлагани, уни кўзи, бурни ва оғиз соҳаларига мушт билан аёвсиз ургани, у оғриқдан ҳушини йўқотгани, орадан бироз вақт ўтиб энди ташқарига чиқмоқчи бўлган пайтида, Озод уни сочидан тортиб уйга судраб киргизгани ва яна юз қисмларига уриб ташлагани, шундан сўнг бўлган ҳолат ҳақида “102” қисқа рақамига қўнғирок қилгани, Озод буни кўргач уни яна уриб кетгани, кейин профилактика инспектори келиб, уларни тинчлантиргани ва ундан ҳолат бўйича тушунтириш хати олгани, шу воқеадан кейин у боласини олиб онасини уйига кетгани ва ҳозирги кунга қадар ўша ерда яшаб келаётгани, у турмуш ўртоғи О.Садатов билан ярашмаслиги, уни кечирмаслиги, билдириб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

-бундан ташқари, судланувчи О.Садатовнинг айби, жабрланувчини “102” ишонч рақамига қилган мурожаати, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги баённома, чизма ва илова қилинган фотосуратлар, тиббий маълумотнома, дастлабки тушунтириш хатлари, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази РСТЭИАМ Қашқадарё филиалининг 11.11.2025 йилдаги №65-Қўш сонли хулосаси, юзлаштириш баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи О.Садатовнинг жинойи хатти-ҳаракати, қасддан турмуш ўртоғи Х.Режабовага ҳаёт учун хавли бўлган оғир тан шикасти етказиб, оилавий (маиший) зўравонлик қилганликда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 4-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиш ва янги жиноят содир этишнинг олдини



олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги, ушбу Кодексни 8-моддасида эса, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-энгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”, “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”- деб тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи О.Садатовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан чин қўнғилдан пушаймондалиги, муқаддам судланмагани, жазони энгиллаштирувчи ҳолатлари деб топиб, уни хатти-ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, шу билан биргаликда жиноят иши бўйича жабрланувчи бўлган турмуш ўртоғи Х.Режабованинг унга нисбатан ҳозирги кунда даъвоси борлиги, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 4-қисми билан мазкур модда жазо санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, дарҳол суд залидан қамоққа олиб, унинг қамоқ жазоси манзил-колонияларида ўтаттирилишини, унга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни;

Мазкур жиноят иши бўйича судланувчи О.Садатов ва жабрланувчи Х.Режабова билан ўзаро интернет ижтимоий тармоғининг “Telegram” месенджири орқали ёзишмалари, Ўзбекистон Республикаси ССВга қарашли СТЭ хулосаси иш ҳужжатиغا қўшилгани қайд қилишни;

Суд, мазкур жиноят иши юзасидан етказилган зарарлар масласини муҳокама қилиб жабрланувчига ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш хусусида даъво қилмоқчи бўлса, бу борада тегишли ҳужжатларни тўплаб, фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтирилганини қайд қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454, 457, 460, 463, 465, 468, 471 ва 473-моддаларига асосланиб, суд

ҳ у қ м қ и л д и :

Судланувчи Садатов Озод Шавкат ўғли (Sadatov Ozod Shavkat o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

О.Садатовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 4-қисми билан 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

О.Садатовнинг “Муносиб хулқ-атворда бўлиш” тилхат эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залидан қамоққа олинсин.

Жазо манзил-колонияларида ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2026 йил 17 февраль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Мазкур жиноят иши бўйича судланувчи О.Садатов ва жабрланувчи Х.Режабова билан ўзаро интернет ижтимоий тармоғининг “Telegram”



месенджири орқали ёзишмалари, Ўзбекистон Республикаси ССВга қаршли СТЭ хулосаси иш хужжатиға қўшилгани қайд қилинсин.

Суд, мазкур жиноят иши юзасидан етказилган зарарлар масласини муҳокама қилиб жабрланувчиға ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш хусусида даъво қилмоқчи бўлса, бу борада тегишли хужжатларни тўплаб, фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқиға эға эканликлйги тушунтирилсин.

Хукмдан норози тарафлар хукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи хукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида, шу суд орқали Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатиға апелляция тартибида, хукм қонуний кучға киргач эса кассация тартибида шикоят беришға ёки протест келтиришға ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Ў.Расулов

